

муҳозфаза этлш Давлат ижтимоий-энеси эшлш
ўмитасининг бошқарма ришлар тахририятининг Бош
ошлиғи муҳаррири





БАХТ ҚУЁШИНГ СЎНМАСИН, ВАТАН!

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИ РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОИТАХТИДА БЎЛГАНИ ҚАБИ БАРЧА ВИЛОЯТЛАРДА ҲАМ ЗУР ТАНТАНА БИЛАН НИШОНЛАНДИ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

1 сентябрь куни эрталабдан Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтининг бош майдони одамлар билан гажум бўлди. «Халқлар дўстлиги» хиббони, Мустақиллик кўчаси ва Нукус меҳмонхонаси олдидаги майдонда байрам армаркаси ташкил этилди. Сўнгра сайида томошалар марказий спорт майдонига кўчди. Бу ерда Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигига атаб театрлаштирилган томошалар кўрсатилди. Байрам тадбирлари Нукус шаҳридаги «Гурес» спорт залида ҳам бўлиб ўтди. Бу ерда пахлавонлар эркин кураш бўйича ўзаро куч синачилар.

«Қизқетган» каналда сув спорт мусобақалари ўтказилди.

АНДИЖОН

1 сентябрь куни вилоят марказида ҳамда шаҳар ва қишлоқлар ўзгача либос кийди. Турли элнимизда моддёлар кўп, лекин 130 йил давомида ранжу одамлар, ўзгалар қўяга қараб тобелликда яшаган халқ учун мустақиллигини нишонлашдек улур байрам бўлмаса керак.

Вилоят марказидаги асосий майдонга шох кўча бўлаб жаҳонгир бобоимиз Амир Темур, номинатор шoir, саркарда Бобур Мирзо, дилбар шoirа Моҳларойим ва улар ортдан отиқ лашкарлар кириб келганда юрларда нимадир жиз этди, вужудларни илқ бир туйғу қамраб олди.

Шолиёна арафасида «Пўлат қўш»лар самога парвоз қилди, вилоят ҳокимлигининг андижонликларга табрикомасини ташлади. Қолаверса, Андижонда «Она юрт саҳовати» савдо расталари ташкил этилди, деярли ҳар кун 500-600 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилаётди. Жойларда байрам шарофати билан янги кўриш объекти ташкил қилинди. Биргина Андижон шаҳрининг беш жойида халқ сайиллари уюштирилди. Театрлаштирилган томошалар тақдим этилди. Ёнг хушмоз хонандалар халқ хизматида бўлди.

Навий номи маданият ва истироҳат борида тағна тушгудек бўш жой қолмади, десак муболага бўлмайди. Бу ерда уюштирилган халқ хўжармачилигининг кўриги, эртани кўнимиз ёруғлигини, элимизда гоёт иқтидорли кишилар кўпайиб бораётганини кўрсатди. Улар яратган ўн мингдан оёқ миллий буюмларини кўриб, халқимиз нимага қодир эканлигига қўйил қолди.

Хонобод — Андижон суви ишчиликнинг очилиши, андижонликлар учун катта воқеа бўлди. Ахир шаҳарликлар неча йиллардан буён «ой-дағга» ташна, сувнинг етишмаслигини кўриб келар эдилар. Ёнди Кампиробод суви омбори суви Андижонни боғроғларга, яшилликка бурқабди.

Мустақиллик шодликлари ҳар бир андижонлик қалбига кўнган ва хўрамлини олиб кирди. Вилоят ҳокими Қошиқов Ойбек вилоят ақлини табриклар экан, «Бу кунлар тенги йўқ, унутилмас кун», деганда минг бора ҳақ эди. Чунки кўнгул кун таассуротлари андижонликлар қалбига бир умр муҳралиб қолади.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БУХОРО

Байрам тантаналари вилоят марказидаги боғ ва хиббонларда «Паллов

ва чой» сайли билан бошланди. Бу ерда кўчқор, хўро, бедана уриштириш ва бошқа халқ ўйинлари, турли спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Регистон майдонида эса бухоролик дорбоз ва қизқичилар ўз санъатларини намойиш этишди. Лабиҳовузда «Моҳиситора» халқ этнографик ансамбли жозибали концерти билан байрам қувончига қувонч қўшди. Аммо энг катта байрам тадбирлари Абу Али Ибн Сино ва Исмоил Бухорий номидидаги майдонларда бўлиб ўтди. Бу ерда бутун вилоятдан келган меҳнаткашлар мустақиллик кўнига бағишланган театрлаштирилган томошадан баҳраманд бўлишди.

ЖИЗЗАХ

Байрам тантаналарининг энг завқлиси Жиззах шаҳридаги марказий ўйингоҳда бўлиб ўтди. Минглаб жиззалликлар, байрам шодликларида қатнашган учун вилоятга ташриф бу-

ланган Мустақиллик байрамини уларнинг ҳеч қайсини билан қийслаб бўлмайди. Ўзбекистон давлати ана шу икки йил ичида жаҳонда қандай қадам ростилаётганини кўриб қўнғим қўтарилди.

Шу кунни шаҳардаги кўча ва майдонларда самарқандликлар байрам дастурхонини тўкини, файзли қилиш учун ўнлаб армаркалар уюштирилди. Бу йили байрам арафасида вилоятда 100 дан зиёд янги объектлар қуриб битказилди. Бундай тадбирлар кўтлуд айём кўни ҳам давом эттирилди.

Фақат Самарқанд шаҳрининг ўзида шу кунни Сартанга турар жой масканда спорт иншоотлари мажмуаси, Ибн Сино номли хиббон, Даҳбед кўчасида ер ости йўли, Акмал Исмоилов номи майдонда фаввора, Библиотеканинг қўнидаги майдонда «Самарқанд тарихи» монументал панноси ва бошқа яна бир қанча иншоотлар фойдаланишга топширилди. Уларнинг ҳар бири Самар-

ри, бепоев яйловларига ҳам қўчди.

НАВОЙ

Навийликлар ҳам мустақиллик байрамига яхши тарафдан тайёргина бўлиб келди. Байрам арафасида бутун вилоят бўйича мустақиллик кўнига бағишланган умумхалқ ҳашари ўтказилди. Ҳашар кўни 70 миллион сўм ишлаб топилди. Бу маблагнинг муайян қисми вилоят «Маҳалла» ва «Соғлом авлод учун» жамғармаларига ўтказилди.

Байрам вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари, қишлоқ ва посёлкаларида катта тантана билан нишонланди. Жойларда армаркалар ташкил этилди. Худди шу кунни вилоятда спортнинг бир қанча турлари бўйича шахсий биринчилик мусобақалари бўлиб ўтди. Байрам кунни маҳаллалардаги хайрия учрашувлари ҳам мароқли кечди.

М. МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН

Байрамлар қадим-қадимдан халқларимиз ўзаро ҳамкорлик ва тинчликни йўллатувчи восита бўлиб келган. Бунинг асосида Наманган вилоятининг шаҳар қишлоқларида ҳамма чуқур ҳис этиди. Одамлар ўз истиқоматгоҳларида икки-учтадан маданий-маиший бинолар қуриб, ганини, ночор ва кам таъминланган оилаларга мадад кўрсатишга иштирок этишди. Қишлоқлар билан қўзлари билан қўрилди.

Вилоятда байрам тантаналарининг маркази сифатида ўйингоҳ талланган эди. Бу ерда карнай-сурнай садолари янграб турди. Фавворалар, ёриткич чироклари узлуксиз ишлади. Дарвоза пештоқлари, чор-атроф байрамона безатилган. Му-

савирлар, қайқалтарошлар, ҳунармандлар ўз ишларидан намуналар келтиришган. Газет-журналлар китоб савдоси йўлга қўйилди. Шу кун 50 миллион сўмга ақин озиқ-овқат, саноат моллари савдога чиқарилиди. Қўшма ва кичик корхоналар орқали 10 миллион сўмлик ҳунармандчилик моллари сотилди. Саноат корхоналаридан 500 турдаги 75 миллион сўмлик маҳсулот пештақларга қўйилди. Мева, сабзавот, полза ва чорвачилик маҳсулотларининг қишлоқ ортқи тури байрам иштирокчиларига тортиқ этилди.

Барча туман, қўллаб қишлоқ вакиллари бу ерда ўз истеъодларини намойиш этишди.

Р. ИРИСОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАРҒОНА

Дилбар Фарғона бир ҳафтадир, байрам руҳи билан яшаб, меҳнат қилмоқда. Халқимизнинг ажойиб

удуми бор. Ёнг қувончи кунларни оилавий тантаналарга, тўй-маросимларга улаб юборишди. Ҳисоботчилар, социологларнинг таъкидлашча, август ойининг сўнгги ўн кунлигида Ўзбекистоннинг бошқа даврларига нисбатан энг кўп низоҳат ва суннат тўйлари қайд қилинди. Карнай-сурнай садолари янграмаган бирор бир қишлоқ, маҳалла қолмади, десак муболага бўлмайди.

Ўзбекининг ўзигини таъинланган истиқлолнинг тўқин, қўнғил 83 билан, саҳий куз ўзаро юз қўришган кунда нишонланаётганида ҳам қандайдир улғувор рамзийлик бордай. Фарғоналиклар сўнгги ўн йил ичида биринчи марта мева тайёрлаш режасини муддатидан атча олдин, республикада биринчи бўлиб бажаришди. Дон топириш режаси ҳам 121 фоизга ўзгариб кетди. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Истиқлолнинг икки йиллигини эрталаб жонангон қиш-

ди. Тантана иштирокчилари қардош Туркманiston Республикаси Тошхузу вилояти ҳокими Сафаргелди Мотаев раҳбарлигида ташриф буюрган азиз меҳмонларни самийий қўнладилар. Умумхалқ тўйи Ёркин санъатимиз, маданиятимиз, меҳнатимиз, қадрият ва аълоларимиз, гайрату жасоратимиз, хоҳиш-иродамиз, баркамоллигимизни ифодалади. Байрамгоҳларда намойиш этилган ранг-баранг мазмундаги томошалар, беллашув ва учрашувлар шаҳарликлар ва меҳмонлар қалбига дунёнинг шодлиги, фахри ва ифтихорини бағишлади. Байрам иштирокчилари ажойиб воқеа ва маросимларнинг ҳам гувоҳи бўлишди. Шаҳардаги гажум майдонларнинг биринчи йили Ўзбекистон асосчиларидан бири — матрифтарвар шох, шoir, тарихчи ва таъкиранавис Абулғози Баҳодирхоннинг улғувор ҳайкали тантанали равишда очилди. Атиги 5 ой муддатда қуриб битказилган 844 ўринли кўркем мактаб

да ишланган маҳсулотларни намойиш қилиб ўтдилар. Минг-минглаб томошабинлар вилоят маркази саноати, маданияти, ижтимоий ҳаёти билан танишди. Театрлаштирилган кўришлар, қишлоқ кураш ва бошқа ўйинлар кўрсатилди.

Кўннинг иккинчи ярмида байрам тантаналари истироҳот боғлари, театр ва кинотеатрларга кўчди. Истироҳот боғларида турли кўргазмалар ташкил этилди. Фольклор ва халқ дасталарининг қишлоқлари уюштирилди. Пазандлик ва қандолатчилик танловлари ўтказилди. Театр ва кинотеатрларда қадриятларимизни эъзозлайдиган саҳна асарлари, кинофильмлар намойиш этилди.

Маҳаллаларга ош тортилди.

Чироқчи, Қамашчи, Деҳқонбод туманларида байрам чавандозлик, миллий кураш мусобақалари билан бошланди. Қарши туманида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўргазмаси уюштирилди. Шаҳрисабз маҳаллий ҳокимияти ташаббуси билан соҳибқирон Амир Темур томонидан барпо этилган машҳур Оқсарой қасри саҳнида элга дастурхон ёзилди.

П. ГАДОВЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Мустақилликнинг икки йиллиги Тошкент вилояти шаҳар ва қишлоқларида ҳам кенг нишонланди. Бу кун қишлоқ меҳнаткашлари шаҳарлар, саноат корхоналарининг ишчилари, қурувчилар, энергия ҳодимлари, талабалар ёнда узок вақт сақланиб қоладиган бўлди. Ҳар бир меҳнат жамоасида, ўн-юртида республика раҳбарларининг олиб бораётган одилони, ҳар томонлама чуқур ўйланган ички ва ташқи сиёсатидан мамнулик сўзлари янгради. Одамларнинг юзида табассум, хуш кайфият балқиб турди.

Қишраб тумани марказидаги тантаналарда ўн минглаб аҳоли қатнашди. Байрам муносабати билан бу ерда замонавий бозор, ресторан, савдо маркази очилди, фойдаланишга топширилди. Барча қурилиш иншоотлари қисқа муддат ичида битказилди. Мустақиллик майдони раҳбарлар қад ростилаб бу иншоотда ўзининг тақдорларини, архитектураси ва юқори даражада ободонлаштирилгани билан шаҳар кўригига янада кўри қўшди.

Тошкент вилояти ҳокими С. Сайдалиевнинг тантана ташкилотчилигида қилган мураккаб ишларни қўзғалар айниқса эсда қоларли бўлди: «Соёқ» иттифоқ республикаларининг баъзи худудларида бегуноқлар қони тўкилмоқда, қишлоқ шодлигини билдишмаяпти. Ҳозиргина Тошкент олдани қайтдим. Одамлар чекатган азобдан юрагим қон бўлди. Шундай пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримов ўтказиб келётган барқарор сиёсатининг қанчаллик муҳимлигини чуқур ҳис қилар экансан ишим».

Тошкент вилояти байрамни кенг нишонлади. Барча аҳоли пунктларида халқ сайиллари ўтказилди. Тошкент туманида байрам ўзбек нақоз халқининг дўстлиги билан уйғуллашиб кетди.

биноси ҳам шу кунни фойдаланишга топширилди. Халқимиз тўйи қадимий ва навиқорон Хивада ҳам кўтаринки руҳда нишонланди. Дўстлик шаҳри меҳнаткашларининг улкан тантанасига қўшни қардош Туркманiston, Қорақалпоғистондан ардоқли меҳмонлар ташриф буюрдилар.

Умумхалқ байрами арафасида воҳа улкан тўй қиёфасини олибгина қолмади, барча шаҳар-қишлоқларда ўнларча, катта-кичик ишхоналар, корхоналар, оромгоҳ ва сайилгоҳлар, хизмат кўрсатиш ва таълим-тарбия масканлари нишга тушди.

Байрам кунлари турли хайрия тадбирларини ўтказиш, етим-есирларни йўқлаш, совға-саломлар улаштириш, элга ош тортиш Хоразмда ажойиб анъанага айланди. Вилоят меҳр-шафқат ва саломатлик, маҳалла-хайрия жамғармалари, маҳаллий ҳокимият маҳкамалари, кўпгина номдор корхона, хўжалик ва ташкилотларнинг жамоалари бу тадбирларнинг бошида турдилар.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ

Вилоят маркази Қарши шаҳрида кўпдан буён бунчалик катта тантана бўлмаган эди. Байрамга хос безатилган кўча ва хиббонлар, истироҳот боғлари, майдонлар минг-минглаб қишлоқларнинг ўз бағрига олди. Ҳамма жойда савдо-сотқи армаркалари, қишлоқ танловлар, санъаткорлар, ижрочи ёшлар, халқ бахшларининг қишлоқлари уюштирилди. Тантаналарнинг энг каттаси Қарши шаҳрининг «Меҳнат» ўйингоҳида бўлиб ўтди. Саноат корхоналари, маданий маиший савдо хизмати вакиллари безатилган машиналарда ўз корхоналари

Халқ Сўзи
НАРОДНОЕ СЛОВО

ТЕЛЕФОНЛАР:
матбуот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Нидеко: 64808.



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВЕВ.

ТАҲРИР ҲАЯЪАТИ:

Абдунаби БОЙҚУЗНЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Мирзиал МИРЗАЛИЕВ, Саломқадим МУҲИДИНОВ, Леа ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлахмад РИЗОВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯХШЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Мухаммадҷон ҚОРАБОВЕВ, Саидхўро ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир
А. Бойқўзиев, навбатчи
О. Раҳимов.